

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



**«Халқ таълими томонидан талаб қилинадигон электр техник лаборатория
синов хизматларини амалга ошириш бўйича»**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: «Халқ таълими»

Андижон ш. – 2022 й.

Танлов иштирокчиси учун йўл-йўриқ.

I. Танловнинг техник қисми.

II. Танловнинг нархига онд қисми.

III. Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎЛ-ЙЎРИҚ

- 1 Умумий қоидалар.
- 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети: **«Электрик техник лаборатория ишларини амалга ошириш бўйича»**
- 1.3 **Танловнинг максимал қиймати**
59 996 500 сўми ташкил қилади.
Танлов таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
- 1.4 Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.5 Танлов комиссияси йиғилиши шакли – юзма юз учрашган ҳолда.
- 2 Танлов ташкилотчиси
- 2.1 **«Асака туман Халқ таълими»**
“Буюртмачи” манзили: Андижон вилоят. Асака туман
Истиклол МФЙ Карвонсарой куча п-1/8-уй;
- 2.2 Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси:
Техник саволлар бўйича: Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари, маҳаллийлаштириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш бўлими муҳандислик маҳсулотлари муҳандиси:
Маҳкамбоев Жасур
е – mail: jasur.maxkamboyev@uzcc.uz
тел.: +(998 94) 437-08-06
- 2.3 Танлов Буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 Танлов иштирокчилари
- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).

- 4 Танловни ўтказиш шarti 4.1 Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси куйидагиларни амалга ошириши лозим:
- а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
- б) танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.
- 4.2 Куйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл кўйилмайди:
- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
- Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
- имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.
- 4.3 Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:
- Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
- иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
- 5 Танлов тили. 5.1 Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак.
- 6 Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби 6.1 Танлов иштирокчилари, мазкур танлов ҳужжатларининг **1-ИЛОВАСИДА** кўрсатилган ҳужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда Электрон ҳолда тақдим қилади.

6.2 Танлов иштирокчиси:

тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун маъсул ҳисобланади;

тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

6.3 Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни камраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.

6.4 Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар:

Нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу йўриқномага илова қилинадиган **6-ШАКЛГА** мувофиқ ҳолда.

6.5 Иштирокчилар танлов таклифлари амал қилиши муддати тақдим қилинган танлов таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 30 кундан ошмаслиги керак.

7 Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш 7.1

Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.

Танлов таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлов танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади.

Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.

8 Танлов таклифлари солинган конвертларни очиб таомили ва уларни баҳолаш мезонлари 8.1

Эълонда танловни ўтказиш санаси сифатида кўрсатилган вақтда танлов таклифларини баҳолаш бўйича танлов комиссияси танлов иштирокчилари берган таклифлар солинган конвертларни очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш жараёнида иштирок этиши мумкин.

- 8.2 Танлов иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
- 8.3 Таклифлар солинган конверт очилганда унда барча ҳужжатларнинг борлиги ва улар тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Конвертда тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда танлов комиссияси уни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.
- 8.4 Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.
- 8.5 Танлов иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталлиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
- 8.6 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади (**2-ИЛОВА**).
- 8.7 Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
- 8.8 Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.
- 8.9 Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли.
- 8.10 Агар танлов иштирокчилари танлов таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида конвертлар очилган сана бўйича танлов таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
- 8.11 Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 8.12 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
- 8.13 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасида қайд қилинади.

9 Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш

- 9.1 Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

- 10 Бошқа шартлар**
- 10.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
- 10.2 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд автотранспортлар рўyxатини тақдим қилган ҳолда иштирок этишлари ёки бўлмаган тақдирда ижарага олиб ижара шартномаси нусхаларини тақдим қилган ҳолда қатнашишлари мумкин.
- 10.3 Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:
танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;
таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
- 10.4 Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
- 11 Шартома тузилиши**
- 11.1 Танлов натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилнаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.
- 11.2 Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл).
2. Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартомалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати (2-шакл).
3. Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (3-шакл).
4. Иш тажрибаси (4-шакл).
5. Нархга оид таклиф (5 шакл).
6. Техник кўрсаткичлар бўйича қиёсий жадвал (6-шакл);
7. Гувоҳнома нусхаси